


ХАБАРЛАР

Украина шарқида логистика учун кескин кураш давом этмоқда

дақиқа аввал



Россия қўшинлари Донецк вилоятидаги “қалъа камари” деб аталадиган ҳимоя чизиғининг жанубий устуни бўлган Константиновка шаҳрини эгаллаш арафасида экани айтилмоқда.

Москва Киевдан ушбу ҳудуддан воз кечишни талаб қилган.

Украина полициясининг мобил ўт очиш гуруҳига бириктирилган ходимлари эса фронтга яқин Константиновка шаҳри томон олиб борувчи вайроналарга тўлиб кетган йўлда патруликни кучайтирмоқда.

Улар Россия дронлари ва уларнинг портловчи юкларини йўқ қилмоқда.

Дружковка ва Костантиновка ўртасидаги муҳим логистика йўлларини қўриқловчи Патрул полицияси департаментининг “Предатор” бригадаси аъзолари пастдан учаётган дронларга қарши ўқ узиб, вайрон бўлган ҳарбий техника қолдиқлари орасидаги портловчи элементларни йўқ қилади.

- Афсуски, ҳар бир ротация жароҳатланган ҳамкасбларсиз ўтмайди. Биз уларни эвакуация нуқтасига олиб борамиз ва қўшни бўлинмаларни ҳам эвакуация қилишга ёрдам берамиз. Афсуски, ҳалок бўлганлар ҳам бор, уларнинг жасадларини ҳам олиб чиқдик ва белгиланган жойларга етказдик, - дейди полиция ходими Олександр Космин.

Гуруҳ фақат дронларни йўқ қилиш билан чекланмайди — улар Россия кучлари томонидан масофадан туриб мина қўйиш учун ишлатилаётган қурилмаларни аниқлаб, зарарсизлантиради ва уриб туширилган учувчисиз аппаратлардан қолган портламай қолган ўқ-дориларни тозалайди.

- Россия кучлари дронлар орқали масофадан мина қўйишмоқда. Кейин эса бизнинг кучларимиз — пиёда гуруҳлар ёки транспорт воситалари, шу жумладан зирҳли техника ҳаракатланганда, шу қурилмалар портлаб, қўшинларимиз зарар кўради, - дейди полиция ходими Олександр Сокрута.